Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

17 октябрь, жума, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 213 (1730)

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***16 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Чехия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Бедрих Копецки ишонч ёрлиғини топширди.***

-- Ўзбекистон ҳамда Чехия халқларини узоқ йиллик тарихий алоқалар асосида вужудга келган кўплаб умумий жиҳатлар боғлаб туради, -- деди Ислом Каримов ишонч ёрлиғини қабул қилар экан. -- Шу йил бошида Чехияга расмий сафаримиз чоғида мен бунга яна бир карра амин бўлдим. Ушбу яқинлик мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривож топтиришда катта кўмак беради.

Мамлакатимиз раҳбари Бедрих Копецкининг Ўзбекистондаги элчилик фаолиятига муваффақият тилади.

Б. Копецки самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда бор имкониятини ишга солажагини айтди.

* * *

***Шу куни мамлакатимиз раҳбарига Жанубий Африка Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Томас Уилер ишонч ёрлиғини топширди.***

Ислом Каримов элчини юксак ва масъулиятли вазифага тайинланиши билан қутлар экан, мамлакатларимиз жуғрофий жиҳатдан бир-биридан олис жойлашган бўлсада, халқаро хавфсизликни таъминлаш йўлида ҳар икки томон амалга ошираётган ишларнинг кўп жиҳатдан уйғун эканлиги Ўзбекистон билан Жанубий Африка Республикаси ўртасидаги ҳамкорликнинг ривож топишига кўмак беражаги шубҳасиз, деб таъкидлади.

Томас Уилер дўстона қабул учун Президент Ислом Каримовга ташаккур изҳор этиб, икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида ўз куч-ғайратини аямаслигини билдирди.

* * *

***16 октябрь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Грузия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Гиви Абдушелишвили ҳам ишонч ёрлиғини топширди.***

-- Мамлакатларимиз ўртасида асрлар давомида шаклланган мустаҳкам дўстлик алоқалари бугунги кунда ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоқда, -- деди Ислом Каримов. -- Ўзбекистонда Грузия элчисининг иш бошлагани ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар йилдан йилга тобора ривожланиб бораётганидан далолатдир. Халқларимиз ўртасидаги тарихий-маданий яқинлик, ўхшашлик бизни доимо бирбиримизга боғлаб туради.

Гиви Абдушелишвили мамлакатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, Ўзбекистон ва Грузия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ишига ўз ҳиссасини қўшиш имкониятига эга бўлганидан мамнуният билдирди.

* * *

***Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Гвинея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Жиги Камара ишонч ёрлиғини топширди.***

Ислом Каримов элчига шарафли ва масъулиятли вазифани муваффақиятли адо этиш йўлида куч-ғайрат тилади. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Гвинея ўртасидаги азалий алоқалар мавжуд бўлгани, айни кунда эса ўзаро ҳамкорлигимизни янги талаблар асосида ривож топтириш зарур эканини таъкидлади. Халқларимиз ўртасидаги маданий-диний яқинлик ҳам ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга катта кўмак берувчи омилдир, деди жумладан Президент.

Жиги Камара самимий ҳамда дўстона қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон билан Гвинея ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун бор имкониятини ишга солажагини таъкидлади.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

(ЎзА)

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

***Республикамизга ташриф буюрган Қувайт Давлати Миллий Ассамблеяси раисининг ўринбосари Талол Муборак ал-Айар бошчилигидаги мазкур мамлакат делегацияси 16 октябрь куни Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов билан учрашди.***

Учрашувда меҳмонларга Ўзбекистон парламенти тизимида кечаётган ислоҳотлар жараёни, қонунчиликни янада такомиллаштириш борасида хорижий давлатлар парламентлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқалари ҳақида атрофлича гапириб берилди.

Учрашувда томонлар икки мамлакат ўртасида парламентлараро алоқаларни кенгайтириш, қонунчилик тизимини ривожлантириш бўйича ўзаро тажриба алмашувини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди.

* * *

Шу куни Қувайт делегацияси аъзолари республика Вазирлар Маҳкамасига ҳам ташриф буюрди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари М. Усмонов меҳмонларга мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, савдо соҳасида хорижий давлатлар билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари, шунингдек, республикамизда чет эллик сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароит ҳақида сўзлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Қувайт ўртасида савдо алоқаларини ривожлантириш, ўзаро ҳамкорликда икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида амалий учрашувларни кенг йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

*● ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА*

## ИҚТИСОДИЁТ -- БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДА

16 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир ўринбосари, республика Макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов раислигида умумиқтисодиёт комплексининг мажлиси бўлди. Унда давлатимизнинг молия тузилмалари ҳамда айрим вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари қатнашди.

Мажлисда комплекснинг жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнидаги иш дастурининг бажарилиши масалалари кўриб чиқилди. Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган бу йилда белгиланган вазифалар асосан бажарилаётгани -- миллий валютанинг барқарорлашуви, инфляция суръатларининг пасайиши, ишчи ўринларининг кўпайиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмлари, аҳоли даромади ошаётгани кўзга ташланаётгани қайд этилди.

Айни пайтда, деб таъкидланди мажлисда, дебиторлик-кредиторлик қарзлари соҳасида тартиб бузилмоқда, давлатимиз иқтисодиётининг тобора ўсиб боришига халақит бераётган бошқа нуқсонлар ҳам бор. Мажлисда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича муайян тавсиялар берилди, йилни муваффақият билан якунлаш тадбирлари белгиланди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г. Саидова иштирок этди.

(ЎзА)

## ЎЗАРО ФИКР АЛМАШИЛДИ

***Тошкентда Орол денгизи ҳавзаси муаммоларига бағишланган халқаро учрашув 16 октябрь куни ўз ишини якунлади.***

Учрашув иштирокчилари икки кун мобайнида Оролбўйида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида юзага келаётган муаммолар, шунингдек, бандлик, кичик ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, бозорларни маҳаллий товарлар билан таъминлаш масалалари бўйича сессиялар ўтказди. Ушбу сессияларда Марказий Осиё республикалари вакиллари, халқаро ташкилотлар ва донор мамлакатларнинг мутахассислари ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Муҳокама этилган масалалар қаторидан Оролбўйида экологик вазиятни яхшилашга қаратилган техник вазифалар ҳам жой олди. Учрашув қатнашчилари биринчи галда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар, уларда донор мамлакатлар ва молиявий ташкилотларнинг иштироки борасида ўзаро фикр алмашдилар.

## МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказида Ўзбекистон ҳукумати билан Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси ўртасида ўзаро ҳамфикрлик меморандуми имзоланди.

Ушбу ҳужжатга кўра, Ўзбекистон ҳукумати билан мазкур муассаса ўртасида демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва сайловларга тайёргарлик борасидаги дастурларни ривожлантириш бўйича мунтазам равишда мулоқот ўтказиб турилади. Шунингдек, меморандумга ЕХҲТнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси томонидан тақдим этилган бир неча лойиҳа ҳам илова қилинган. Улар орасидан Конституцион Суд, Омбудсман комиссияси, ички ишлар ходимларининг ўқуви, Марказий сайлов қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказга кўмаклашиш ҳамда миграция муаммоларига тегишли лойиҳалар жой олган.

(ЎзА)

## ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Шу кунларда пойтахтимиз Тошкент ва мамлакатимизнинг бошқа йирик шаҳарларида Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури доирасида кенг кўламда учрашув ва семинарлар ўтказилмоқда.

ТАСИСнинг Ўзбекистонда амалга ошириб келинаётган Конституциявий судга кўмаклашиш лойиҳаси бўйича учта семинар ташкил этиш мўлжалланган. Маълумки, биринчи семинар шу йилнинг 11,12 ва 15 сентябрь кунлари «Конституциявий суд: фаолият юритишнинг турли моделлари» мавзуида ўтказилиб, унда Европа Конституциявий судлари фаолияти бўйича маърузалар тингланган эди.

16 октябрь куни ушбу дастур бўйича иккинчи семинар бошланди. Уни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси Б. Эшонов очди.

Европа Конституциявий ҳуқуқ маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган бу муҳим тадбирда Германия ва Грециянинг кўзга кўринган ҳуқуқшунос олимлари, халқаро экспертлар ҳамда «Конрад Аденауэр» фонди, Америка юристлари ассоциацияси вакиллари, шунингдек, республикамиз тегишли вазирлик ва идораларининг масъул ходимлари, Конституциявий суд, Олий Суд ва Олий хўжалик судининг судьялари, адвокатлар, илмий-текшириш институтларининг ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар қатнашмоқда.

Мазкур семинар «Конституциявий суд маъмурияти фаолияти» мавзуида ўтказилмоқда. Унинг асосий мақсади Австрия, Германия, Чехия, Швейцария мамлакатлари Конституциявий судлари фаолияти, уларнинг тузилиши, ваколатларини амалга ошириш усулларини ўрганиш ҳамда АҚШ, Греция Олий судларининг конституциявий назоратни амалга ошириш, Конституциявий судлар маъмуриятининг роли, шунингдек, судга мурожаат этадиган фуқаролар билан бўладиган муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини муҳокама қилишдан иборатдир.

(ЎзА).

*● ПАХТА-97*

## НАМАНГАНДА БИРИНЧИ

***Наманган тумани миришкорлари вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажардилар.***

6920 гектар майдондан 23700 тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хом ашёси йиғиштириб олинди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 34,2 центнердан хирмон кўтарилди.

Бу муваффақиятга «Хонобод», «Ижодкор», «Ғайрат», «Туркистон», «Зарбдор», Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари деҳқонлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Туман пахтакорлари давлат хирмонига яна 2000 тонна «оқ олтин» етказиб бериб, ҳосилдорликни 38 центнерга, ялпи хирмонни эса 25700 тоннага етказиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**А. МАДАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

***Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш - бизнинг фуқаролик бурчимиздир.***

**Ислом КАРИМОВ.**



## БУХОРО: ИСТИҚЛОЛ ДАРВОЗАЛАРИ

### 1. Нимадан бошлаш керак?

Вазирлар Маҳкамасининг Бухоро 2500 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори 1996 йилнинг бошида қабул қилинган эди. Икки йилга қадар етар-етмас қисқа бир муддат ичида шунчалар катта ўзгаришлар, қурилишлар, таъмирлаш ишлари олиб борилдики, бу доно сиёсат ва халқимизнинг астойдил меҳнати эвазига қўлга кирди.

Ўтган йилнинг охирида иш бошлаган Бухоро вилояти ҳокими Самойдин Қосимович Ҳусенов учун 2500 йилликка тайёргарлик ишларини амалга ошириш энг катта масъулият эди.

Нимадан бошлаш керак?

Ҳар қандай шаҳар каби Бухоро ҳам азалдан одамзод, унинг яшаши, турмушини гўзаллаштириш учун барпо этилган. 2500 йиллик тўй ҳам одамлар, уларнинг миллий ўзлигини англаши, қаддини ростлаши, кимларнинг фарзанди эканини билиб олиши, юртга меҳри кучайиши, бунёдкорлик қобилиятини намоён этиши, аждодларга муносиблигини кўрсатиши, шу тариқа ҳаётини ширинлаштириши учун зарур. Шундай экан, тўй фақат тантаналардан иборат бўлиб қолмаслиги керак.

Ҳоким ишни шаҳардаги ер ости сувларининг сатҳини пасайтиришдан бошлади. Чунки бусиз Бухорода янги иморат қуриш ҳам, эски обидаларни таъмирлаш ҳам қийин эди. Зах таъсирида эски ёдгорликларнинг асрларга бардош бераётган деворларига шўр кўтарилаётган эди. Бунинг олди олинмаса, таъмир ҳам осори атиқалар умрини узайтиролмайди.

Бир неча ўн йиллар олдин ҳам бу муаммо кўтарилган. Айни масаланинг бирдан-бир ечими сифатида шаҳар атрофидан айлана зовур ковланган. Лекин кейинги 30 йил мобайнида ана шу «Сакович» коллектори қайта ковланмади, бу муаммо устида бош қотирлмади.

Вазифа аниқ - зовурни қайтадан чуқур қилиб ковлаб, сизот сувларини оқизиш, захни кўчириш зарур.

Бунинг учун шу йил баҳорда Бухорода шундай катта кўламда иш бошландики, шаҳар жонланиб кетгандек бўлди. Ахир, 75 та тик қудуқни, шунингдек, 4,2 километр масофадаги зовурни 12 метр чуқур қилиб қайта қазишнинг ўзи бўладими? Шу ишлар учун 154 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланди. Бунинг кўламини кўз олдимизга келтиришимиз учун шаҳардаги жуда катта таъмирлаш ишларига қиёслаш мумкин. Бу ана шу иморатларни таъмирлашга сарфланган умумий маблағ ҳажмига қарийб баробар.

Сизот сувлари хавфининг бартараф этилиши шаҳар халқи руҳини кўтариб юборди. Қурбон ҳайити арафасидаги икки ой мобайнида аҳоли ҳашарга чиқди. 2500 йиллик байрам чинакамига инсонлар ҳаётини яхшилаш мақсадида тантана қилинаётгани сезилди.

- Бухорода ўша кезлари эксковаторчи энг шарафли касб эгаси бўлиб қолди. Улар чинакамига кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилдилар, - дейди вилоят ҳокими.

Рост. Таъмирлашдан мақсад - иморатлар эски чиройини тиклаш ва улар умрини узайтириш. Илгариги йилларда таъмирлаш самара бермагани ҳам қисман шаҳарда зах ер юзасига яқинлашиб қолганидан эди. Бу ерда дарахт кўкартириш, экин ундириш амри маҳол бўлиб қолган эди.

Бу тадбир Бухорода таъмирлаш пухта ўйлаб қилинганидан далолат беради.

### 2. Масжид узра масжид

Шаҳарнинг 2500 йиллигига тайёргарлик жараёнида, аввало, тарихимизга қарашимиз ўзгарди. Биз ўтмишимиз ҳар бир намунасига ўзгача кўз билан нигоҳ ташлай бошладик.

- Бухорони, очиғи, биз - бухороликлар ҳам ҳали унчалар яхши билмаймиз, - дейди Бухоро вилояти ҳокими Самойдин Ҳусенов. - Ҳар бир обидага яқинроқдан бориб қарасангиз, унинг тамом янги-янги қирралари намоён бўлаверади. Бухорода бутун башарият цивилизациясининг узоқ асрлик тараққиёти изларини кўриш мумкин. Икки ярим минг йиллик тарихнинг бир қисми Бухоро тупроғи қатламлариаро яшириниб ётибди. Лекин эрамизнинг VIII асридан то XXI аср арафасигача бўлган давр осори атиқалари кўз ўнгимизда намоён. Бундай шаҳар дунёнинг бошқа қаерида бор?

Қазилмалар натижалари вилоят ҳокими сўзларини тўла тасдиқлайди.

«Мағоки Атторий» масжиди чуқурликда жойлашган. Олимларнинг аниқлашича, у илгариги оташпарастлар ибодатхонаси мустаҳкам пойдевори устига қурилган. Ҳақли равишда уни Марказий Осиёда бунёд этилган дастлабки масжид, деса бўлади. Чунки Ислом бу минтақада айнан Бухородан тарқаган. Масжид ичида қазиш ишлари олиб борилаяпти. Ичкарида - чуқурликда эски ибодатхона қолдиқларини кўрасиз.

Асрлар давомида тупроқ шунчалар баландлаб, янги қатламлар ҳосил қилиб бораверган. Бироқ бухороликлар аждодлар саждагоҳларини муқаддас билиб, ўша қадим қатламни сақлаб қолиш учун масжид устига масжид қураверганлар.

1934 йили ер остидан ковлаб топилган, ҳозир ҳам қад ростлаб турган охирги масжид XII аср ёдгорлиги ҳисобланади.

### 3. Навоийни «кўрган» тут

Обидаларни қўя турайлик. Бухоро тутлари ҳам - узоқ тарихнинг тирик гувоҳлари. Лаби ҳовуздаги тутларга «1477 йили экилган» деган ёзувли тахтача осиб қўйилган. Улар 520 йиллик давр воқеалари шоҳиди, миллатнинг бойлиги, Оллоҳнинг ажиб кароматн.

Уларга шундай нуқтаи назар билан қарасаккина, бошқача бир маъно уқамиз.

Одам боласи унчалар узоқ яшамайди. Бироқ инсон умрини узайтиришнинг кўп зўр йўлларини топган. У яратган иморатлар қолади, эккан дарахтлари яшайверади...

Бу тутлар ўтқазилганда Жомий, Навоий тирик, Бобур ҳали туғилмаган эди.

(Давоми 3-бетда).

## ДЎСТЛИК ЯНА ОЛДИНДА

***Давлатга пахта сотиш режасини мамлакатда биринчи бўлиб уддалаган Дўстлик шаҳри хўжаликлари шоличиликда ҳам пешқадам бўлдилар.***

Хоразм воҳасининг қирадир шароитида деҳқончилик қилган шоликорлар бугунгача давлат омборларига 4200 тоннадан зиёд дон топшириб шартномавий режани уддаладилар.

Дончиликка ихтисослашган «Ўзбекистон», Гагарин номли, Шержонов номли жамоа хўжаликлари миришкорлари бу ютуққа салмоқли улуш қўшиб, чўллар бағридаги аксарият далалардан гектарига 40-45 центнердан ҳосил йиғиб олдилар.

Иккиламчи экин сифатида ўстирилган шолидан ҳам юқори ҳосил олинаяпти. Шоликорлар унинг бир қисминигина давлатга сотишди. Унинг қолган қисмини ўриш-янчиш ишлари қизғин двом этаяпти. Замонавий «Кейс» машиналари ўримйиғимнинг юқори суръатини таъминлашмоқда. Пировард натижада эса ялпи хирмон салмоғи 8,5 минг тоннадан оширишга қаратилган.

**А. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

I. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 78-модда; 1993 йил, № 6, 246-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 4-5, 126-модда) **24-моддасининг 3-бандида**:

«бошқа жойдаги банкда эса -- шу банкнинг розилиги билан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ҳар бир корхона (ташкилот) ўзи танлаган банкнинг фақат битта муассасасида сўмдаги ва валютадаги ҳисоб-китоб (жорий) ҳисобварақларига эга бўлиши мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ўз танлови бўйича битта ёки бир нечта банкда сўмлар ва чет эл валютасида талаб қилиб олгунча сақланадиган депозит ҳисобварақларига эга бўлишга ҳақли».

II. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган **«Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»**ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 86-модда, № 8, 191-модда; 1992 йил, № 1, 49-модда, № 4, 177-модда, № 9, 337-модда; 1993 йил, № 1, 20-модда, № 6, 240-модда; 1994 йил, № 5, 159-модда, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда):

1) **4-модданинг олтинчи қисмида** «Ажнабий юридик шахсларнинг, Ўзбекистон ва ажнабий юридик шахслар ҳамда фуқаролар иштирокидаги қўшма корхоналарнинг» деган сўзлар «Чет эл инвестициялари иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **6-модданинг 3-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) устав фондида чет эл капиталининг улуши 50 фоиз ва бундан ортиқ бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарининг фойдасига, устав фондининг миқдорига қараб:

300 мингдан 1 миллион АҚШ долларига тенг бўлган суммага -- 20 фоиз солиқ солинади;

1 миллион АҚШ долларига тенг ва бундан ортиқ бўлган суммага -- 16 фоиз солиқ солинади.

Устав фондида чет эл капитали бўлган қўшма корхоналар хорижий қатнашчиларининг даромадлари чет элга ўтказилаётганда, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, уларга 10 фоиз миқдорда солиқ солиниши керак.

Даромадлар чет элга қайси валютада ўтказилаётган бўлса солиқ суммаси шу валютада тўланади»;

3) **9-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **11-банд** билан тўлдирилсин:

«11) устав фондида чет эл капиталининг улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари -- ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга йўлланадиган фойдаси (даромади) бўйича

Қонун ҳужжатларида белгиланган шартларга жавоб берадиган ва устав фаолиятида ўз ишлаб чиқариши ва (ёки) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга кўрсатилаётган сервис хизматининг улушига хўжалик фаолиятидан келадиган тушум умумий ҳажмининг 60 фоизидан ортиғи тўғри келадиган корхоналар чет эл инвестициялари иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари жумласига киради»;

4) **11-моддада**:

**2-банднинг иккинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**4-бандда** «чет эл капитали иштирокидаги биргаликдаги корхоналар ўз ишининг дастлабки беш йилида» деган сўзлар «чет эл инвестициялари иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари ўз ишининг дастлабки етти йилида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

қуйидаги мазмундаги **5 ва 6-бандлар** билан тўлдирилсин;

«5) экспортга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи, чет эл инвестициялари иштирокидаги янги ташкил қилинаётган ишлаб чиқариш корхоналари:

ишлаб чиқариш бошланган пайтдан эътиборан 5 йил муддатга, агар ишлаб чиқариш ҳажмида болаларга мўлжалланган товарлар ассортименти 25 фоиздан зиёдни ташкил этса. Кейинги йилларда бу корхоналарнинг фойдасига солинадиган солиқ амалдагига нисбатан икки баравар камайтирилган ставка бўйича олинади;

Агар чет эл капиталининг улуши корхонанинг устав фондида 50 фоизни ва бундан ортиқни ташкил этса, ишлаб чиқариш бошланган пайтдан эътиборан икки йил муддатга.

Фойдага солинадиган солиқни тўлашдан озод қилинган, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона имтиёзли давр белгиланганидан сўнг бир йил ўтмай тугатилган тақдирда, солиқ суммаси унинг бутун фаолият даври учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади;

6) хусусий тижорат банклари ташкил этилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йилда, бўшатиб олинаётган маблағларини ўз моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ва инфраструктурани ривожлантиришга йўналтирилган ҳолда».

III. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январдаги Қарори билан тасдиқланган **Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар (ташкилотлар), шу жумладан чет эл корхоналари ва қўшма корхоналар фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланишга ҳақли бўлган фаолият турларининг рўйхати** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 4, 182-модда; 1994 йил № 4, 109-модда, № 5, 143-модда, № 8-9, 244-модда, №10, 258-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда):

1) қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ичимлик спирт, арақ ҳамда бошқа алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш»;

2) «Фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

IV. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган **«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»**ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 10, 403-модда):

1) **1-модданинг 6-бандидаги** «жамоа ва давлат хўжаликлари» деган сўзлар «жамоа хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **3-модданинг**:

**1-бандида** «Давлат хўжаликлари ва ўзга» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**3-бандида** «Деҳқон хўжалиги ноҳия ҳокими томонидан рўйхатдан ўтгач, юридик шахс мақомига эга бўлади» деган сўзлар «Деҳқон хўжалигининг устави туман ҳокими томонидан рўйхатдан ўтказилганидан кейин деҳқон хўжалиги юридик шахс мақомига эга бўлади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**4-бандида** «халқ депутатлари қишлоқ (посёлка) Кенгаши» деган сўзлар «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3) **5-модданинг**:

**6-бандида**: «халқ депутатлари қишлоқ (посёлка) Кенгашига» деган сўзлар «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**7-бандида** «Халқ депутатлари қишлоқ (посёлка) Кенгаши ер ажратиш тўғрисидаги аризани 15 кунлик муддат ичида қараб чиқади» деган сўзлар «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ер ажратиш тўғрисидаги аризани 15 кунлик муддат ичида кўриб чиқади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**8-бандида** «Деҳқонлар иттифоқи, касаба уюшмаси, сув хўжалиги идоралари ва ер тузувчи хизматлар вакилларидан» деган сўзлар «Шахсий ёрдамчи хўжаликлар ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси, касаба уюшмаси, қишлоқ ва сув хўжалиги органлари вакилларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **8-модданинг 2-банди** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қишлоқ ва сув хўжалиги органлари билан деҳқон хўжаликлари ўртасидаги муносабатларга доир низолар суд томонидан ҳал этилади»;

5) **13-моддада**:

**1-банднинг иккинчи хатбошисидаги** «Президенти ҳузуридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**6-банднинг иккинчи хатбошисидаги** «халқ депутатлари қишлоқ (посёлка) Кенгашларининг раислари» деган сўзлар «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **24-модданинг 1-банди** «ҳокими томонидан» деган сўзлардан кейин «ушбу Қонуннинг 23-моддасида назарда тутилган асосларда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

V. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги Қонуни ( Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 22-модда; 1994 йил, № 5, 161-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4- 5, 126-модда) **4-моддасининг 2-банди** қуйидаги мазмундаги **«о»** ва **«п» кичик бандлари** билан тўлдирилсин:

«о) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги тўғрисидаги ишлар қўмитаси -- иқтисодий ночор корхоналар тўғрисидаги ишлар юзасидан;

п) «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик-суғурта компанияси, унинг дирекцияси ва жойлардаги бўлимлари -- қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан банк кредитларини тўламаслик хавфини ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш, шунингдек, фьючерс контрактлар бўйича ишларни амалга ошириш учун олдиндан бериладиган маблағларнинг қайтарилишини суғурта қилиш шартномалари бўйича тўланган суғурта товони учун қишлоқ хўжалик корхоналаридан қарзни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан».

VI. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Прокуратура тўғрисида»**ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 29-модда, № 6, 266-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 141-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда):

1) **3-модданинг олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазолар ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш вақтида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш»;

2) 4-бобнинг номи ва мазмуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«4-боб. Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазолар ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш вақтида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш**

**44-модда. Назорат предмети**

Назорат предметини:

ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазолар ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи органлар ва муассасаларда шахсларни сақлаш қай даражада қонуний эканлиги;

ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш, жиноий жазоларни ўташ, бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилган шахсларни сақлаш тартиби ва шароитлари ҳақидаги қонун ҳужжатларига қай даражада риоя этилаётганлиги;

ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар, маҳкумлар, шунингдек, бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилган шахсларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқлари ва мажбуриятларига риоя этилиши қай даражада таъминланаётганлиги;

жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини қўллайдиган органлар ва муассасалар, мансабдор шахслар фаолиятида қонун ҳужжатларига қай даражада риоя этилаётганлиги ташкил этади.

**45-модда. Прокурорнинг ваколатлари**

Прокурор ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазолар ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш вақтида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошира бориб, ўз ваколатлари доирасида:

ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш, қамоқ, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум этиш тарикасидаги жазоларни ўташ жойларига, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этувчи муассасалар ва вояга етмаганларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларига монеликсиз ва исталган вақтда кириш ҳамда биноларнинг ҳамма жойи билан танишишга;

шахсларни ушлаб туришга, қамоққа олишга, шунингдек уларга нисбатан жиноий жазо ёки бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўллашга асос бўлган ҳужжатлар билан танишишга;

ушлаб туриш, қамоқда сақлаш жойларида, қамоқ, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш муассасаларида, тиббий йўсиндаги мажбурий чораларини ижро этувчи муассасаларда ва вояга етмаганларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларида ноқонуний равишда сақлаб турилган шахсларни дарҳол озод қилишга;

башарти қамоқда сақланаётган, қамоқ, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилган интизомий жазо чоралари қонунга мувофиқ келмаса, бу чораларни бекор қилишга, ўз қарори билан бундай шахсларни интизомий бўлинмалардан дарҳол озод қилишга;

ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар, маҳкумлар ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилган шахсларни ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, жазо ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг вакиллари иштирокида ҳам, улардан ҳоли ҳолда ҳам сўраб-суриштиришга;

ушлаб туриш, қамоққа олиш, жазо ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи органлар ва муассасалар маъмуриятларининг буйруқлари, фармойишлари ва қарорлари, оператив-қидирув тадбирлари қонунга қай даражада мувофиқлигини текширишга;

ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар, маҳкумлар ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлайдиган шароитлар яратилишини маъмуриятдан талаб қилишга;

ушбу Қонуннинг 25-29-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда протестлар келтириш, қарорлар чиқариш, тақдимномалар, амрномалар киритиш, ёзма равишда огоҳлантиришга ҳақлидир.

**46-модда. Прокурор қарорлари ва талаблари ижросининг мажбурийлиги**

Прокурорнинг ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш, жиноий жазолар ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этишнинг қонунда белгиланган тартиби ва шароитларига риоя этишга доир қарорлари ва талабларини ижро этиш мажбурийдир.

**47-модда. Шикоятлар ва аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи таъминланишида прокурорнинг вазифалари**

Прокурор ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар, маҳкумлар ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилган шахсларнинг жазони ижро этувчи орган ёки муассаса маъмуриятига, бошқа давлат органларига, жамоат бирлашмаларига, мансабдор шахсларга шикоятлар ва аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади. Тушган шикоят ёки аризани прокурор белгиланган муддатда кўриб чиқади, зарур чора-тадбирлар кўради ва ўз қарори ҳақида аризачига маълум қилади».

VII. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган **«Ер солиғи тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 215-модда; 1994 йил, № 5, 161-модда, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда, № 9, 193-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда) **9-моддасининг «ж» банди** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ж) чет эл инвестициялари иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари рўйхатдан ўтган кундан эътиборан икки йил давомида».

VIII. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда) **2-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда шаҳар ҳокимини туман (шаҳарлар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимига бўйсундириш ва ягона бошқарув органлари тузиш ваколатига эга. Бу хусусдаги қарор кейинчалик халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан тасдиқланади».

IX. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 2 майда қабул қилинган **«Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 128-модда, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда):

1) **4-моддаси**:

**биринчи қисмидаги** «10» рақами «30» рақами билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг иштирокчиларидан бири албатта чет эл юридик шахси бўлади»;

**учинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин.

2) **28-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб белгиланган тартибда бир йил давомида ўз устав фондини таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорларда бўлишини таъминламаган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ташкил этилмаган деб ҳисоблансин»;

**иккинчи ва учинчи қисмлари** тегишли равишда **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

X. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган **«Банкротлик тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 130-модда;Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда):

1) **1-модданинг учинчи қисми** «эълон қилгандан кейин» деган сўзлардан сўнг «ҳамда ушбу қарор корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги (банкротлиги) тўғрисидаги ишлар бўйича ваколатли орган (бундан буён -- ваколатли орган) томонидан тасдиқлангач» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2) **6-модда**:

**иккинчи қисми** «мол-мулкнинг эгаси» деган сўзлардан кейин «ҳамда ваколатли орган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ваколатли орган (хўжалик юритиш субъектининг мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган ҳолларда) ёки ушбу хўжалик юритиш субъекти кредиторларидан бирининг хўжалик юритиш субъектининг ўзини ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарорига рози бўлмаслиги хўжалик юритиш субъекти банкрот бўлганлиги хусусида хўжалик судида ушбу Қонуннинг III бўлимида белгилаб қўйилган тартибда иш юритишни қўзғатишга сабаб бўлади»;

**тўртинчи қисмининг** биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарздор хўжалик юритиш субъекти ўзини ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарорини мазкур хўжалик юритиш субъектининг мулкдори ва ваколатли орган тасдиқлаган пайтдан эътиборан тугатилиш жараёнидаги хўжалик юритиш субъекти деб ҳисобланади»;

3) **7-модданинг биринчи қисмидаги** «ёки кредиторнинг (кредиторларнинг), шунингдек, прокурорнинг» деган сўзлар «кредиторнинг (кредиторларнинг), прокурорнинг ёки ваколатли органнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **9-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Хўжалик судига ариза бериш учун ваколатли органга материалларни бермаганлик ёки вақтида бермаганлик учун ваколатли орган хўжалик юритиш субъектининг раҳбарига ёки бошқа мансабдор шахсига энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ҳақли»;

5) қонун қуйидаги мазмундаги **$11^1$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$11^1$-модда. Ваколатли органнинг аризаси**

Мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг банкротлиги тўғрисида иш юритишни қўзғатиш хусусида хўжалик судига ваколатли орган берган ариза ёзма шаклда тақдим этилиб, унга ушбу субъектнинг иқтисодий ночорлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатлар илова қилинади»;

6) **12-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарздорнинг, кредиторнинг (кредиторларнинг),прокурорнинг ёки ваколатли органнинг аризаси асосида хўжалик суди хўжалик юритиш субъектининг банкротлиги тўғрисида иш юритишни қўзғатади, бу хусусда ажрим чиқарилиб, у қарздорга, кредиторга (кредиторларга), прокурорга ва ваколатли органга, шунингдек жамоа шартномасини имзолаган орган орқали қарздорнинг меҳнат жамоасига йўлланади»;

7) **13-модда**:

**биринчи қисмидаги** «давлат мулкини бошқаришга ваколатли органнинг» деган сўзлар «ваколатли органнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «(мулкдор, кредитор» деган сўзлар «(мулкдор, ваколатли орган, кредитор» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисми** «агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**ўнинчи қисмидаги** «қарздор хўжалик юритиш субъекти меҳнат жамоаси» деган сўзлар «ваколатли орган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **14-модда**:

**биринчи ва иккинчи қисмларидаги** «давлат мулкини бошқаришга ваколатли тегишли орган», «Давлат мулкини бошқаришга ваколатли орган» деган сўзлар тегишли равишда «тегишли ваколатли орган», «Ваколатли орган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи ва тўртинчи қисмлар** чиқариб ташлансин;

9) **21-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хўжалик суди хўжалик юритиш субъектининг банкрот бўлганлиги тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган тақдирда ваколатли орган ишончли шахс бошчилигида тугатиш комиссиясини тузади».

10) **22-модданинг иккинчи қисмидаги** «хўжалик суди» деган сўзлар» «ваколатли орган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11) **23-модда биринчи қисмининг еттинчи ва тўққизинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

12) **24-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «мол-мулк эгаси ёки шу мол-мулкни бошқаришга вакил қилинган орган» деган сўзлар «ваколатли орган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **27-модда**:

**биринчи қисмидаги** «бозор баҳоларидан» деган сўзлар «дастлаб белгиланадиган нархлардан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

14) **30-моддадаги** «мол-мулк эгаси ёки шу мол-мулкни бошқаришга вакил қилинган органга», «Мулк эгаси ёки шу мол-мулкни бошқаришга ваколатли орган» деган сўзлар тегишли равишда «ваколатли органга», «Ваколатли орган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

XI. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда):

1) **164-модда биринчи қисмининг** диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Босқинчилик, яъни ўзганинг мол-мулкини талон-тарож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса,—»;

2) **166-модда иккинчи қисмининг** диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Талончилик:

а) ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб;

б) анча миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, -- ».

XII. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил № 2, 56-модда):

1) **49-модданинг иккинчи қисмидаги** «адвокатлар ҳайъатининг аъзолари» деган сўзлар «адвокатлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **50-модданинг учинчи қисмидаги, 304-модда иккинчи қисмининг 6-бандидаги, 320-модданинг еттинчи қисмидаги** «юридик маслаҳатхонага», «томонидан юридик маслаҳатхонага», «тегишли юридик маслаҳатхонага» деган сўзлар тегишинча «адвокатлар бюросига, ҳайъатига ёки фирмасига», «томонидан адвокатлар бюросига, ҳайъатига ёки фирмасига», «тегишли адвокатлар бюросига, ҳайъатига ёки фирмасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **51-модданинг учинчи қисмидаги** «юридик маслаҳатхона мудири» деган сўзлар «адвокатлар бюроси, ҳайъати ёки фирмаси раҳбари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **272-модданинг иккинчи қисмидаги** «ҳайъати раёсатига» деган сўзлар «малака комиссиясига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **389-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар судининг раислари, Қуролли Кучлар ҳарбий судининг раиси ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят тўғрисидаги ишни, агар у мазмунан мураккаб бўлмаса, туман (шаҳар) судига, шунингдек гарнизон ҳарбий судига кўриш учун топширишга ҳақли»;

6) **412-модданинг бешинчи қисмидаги** «ҳайъати раёсатига» деган сўзлар «малака комиссиясига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **476-модданинг иккинчи қисмидаги** «юридик маслаҳатхона мудирининг», «юридик маслаҳатхона фойдасига» деган сўзлар «адвокатлар бюроси, ҳайъати ёки фирмаси раҳбарининг», «адвокатлар бюроси, ҳайъати ёки фирмаси фойдасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

XIII. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №9, 193-модда, №12, 269-модда; 1996 йил, №5-6, 69-модда, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №4-5, 126-модда):

1) **85-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«85-модда. Ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш, унга зарарли физикавий таъсир кўрсатиш ёки атмосфера ҳавосидан белгиланган талабларни бузган ҳолда фойдаланиш**

Ифлослантирувчи моддаларни ва биологик организмларни йўл қўйиладиган нормативдан ортиқ даражада атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш; атмосфера ҳавосига йўл қўйиладиган энг юқори нормативдан ортиқ даражада зарарли физикавий таъсир кўрсатиш; махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатисиз атмосферага ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни чиқариб ташлаш; қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатини олиш талаб этиладиган ҳолларда бундай рухсатни олмай туриб атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш, худди шунингдек ноқулай метеорологик шароит даврида атмосферанинг ифлосланганлик даражаси ортиб кетишига сабаб бўлувчи ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни чиқариб ташлашни камайтириш чора-тадбирларини тўлиқ ҳажмда бажармаганлик; бундай моддаларни ёппасига чиқариб ташлашларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширмаслик --

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун атмосфера ҳавосидан белгиланган нормативлардан ортиқча фойдаланиш, худди шунингдек атмосфера ҳавосидан тасдиқланган нормативларсиз ёки махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатисиз фойдаланиш --

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **87-модданинг биринчи қисми** «фойдаланишга чиқариш» деган сўзлардан кейин «ёхуд ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш чоғида ишлатиб чиқарилган газлардаги ифлослантирувчи моддаларнинг таркиби ҳамда улар физикавий омилларининг зарарли таъсири тегишли нормативларга мувофиқлигини текшириш ва тартибга солиб туришни таъминламаслик» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) Кодекс қуйидаги мазмундаги **$89^1$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$89^1$-модда. Ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарсизлантириш қоидаларини бузиш**

Ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни тегишли рухсатномасиз, худди шунингдек рухсатномада кўрсатилган шартларни бузган ҳолда зарарсизлантириш --

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, --

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **257-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат санитария назорати органларига ушбу Кодекснинг 53, 54, 55-моддаларида, 85-моддасида (атмосфера ҳавосига йўл қўйиладиган энг юқори нормативдан ортиқ даражада зарарли физикавий таъсир кўрсатганлик ва атмосфера ҳавосига биологик организмлар чиқариб ташлаганлик, шунингдек махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатисиз атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатганлик ва атмосфера ҳавосига биологик организмлар чиқариб ташлаганлик учун, агар бу ҳуқуқбузарликлар санитария-гигиена қоидаларини бузиш бўлса), 86, 88, 89, 95-моддаларида (агар атмосфера ҳавосига физикавий таъсир кўрсатилган бўлса ва бу ҳуқуқбузарликлар санитария-гигиена қоидаларини бузиш бўлса), 87-моддасида (автомобиллар, самолётлар, кемалар ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ҳамда қурилмаларни ишлатиш пайтида шовқин даражаси белгиланган нормативдан ортиб кетганлиги учун), 96-моддасида (санитария-экологик экспертизаси қисмида), 178-моддасида (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар таалуқлидир»;

5) **261-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларига ушбу Кодекснинг 63-моддасида, 65-моддасининг биринчи қисмида (қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар бундан мустасно), 65-моддасининг иккинчи қисмида, 68-моддасида (ҳисоботни бузиб кўрсатиш, ердан фойдаланганлик тўғрисида ахборот тақдим этишдан бош тортиш ёки нотўғри ахборот тақдим этиш бундан мустасно), 69-моддасида (қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар бундан мустасно), 70-моддасида, 71-моддасида (табиатни муҳофаза қилишга оид қисмида), 72-моддасида (термал сувларга доир қисми бундан мустасно), 73-моддасида, 74-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 75-моддасида (ирригация тармоқларидан олинадиган сувларни ҳисобга олиш бундан мустасно, шунингдек давлат сув кадастрини юритишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун), 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84-моддаларида, 85-моддасида (санитария-гигиена қоидаларини бузиш деб ҳисобланувчи атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш, биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш бундан мустасно), 86, 87, 88, 89-моддаларида (атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш бундан мустасно), $89^1$-моддасида, 90-моддасининг биринчи қисмида, 91, 92, 93, 95-моддаларида, 96-моддасида (давлат экология экспертизаси қисмида), 148-моддасида (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёққанлик, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бундан мустасно), 162-моддасида, 178-моддасида (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик қисмида), 214-моддасида (табиатни муҳофаза қилишга оид қисмида), 228-моддасида (табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда муҳрлар (пломбалар) қўйилган ҳоллар) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар таалуқлидир».

XIV. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»**ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №5-6, 54-модда; 1997 йил №2, 56-модда):

1) **7-модданинг учинчи қисмида** «ва чет эл банкларига» деган сўзлар «шунингдек чет эл банклари ва хусусий банкларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **31-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мижозлар ўзлари танлаган фақат битта банкда миллий ва чет эл валютасида талаб қилиб олгунча сақланадиган депозит ҳисобварақлар очишга ҳақли. Бунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ўз танлови бўйича битта ёки бир нечта банкда сўмлар ва чет эл валютасида талаб қилиб олгунча сақланадиган депозит ҳисобварақларига эга бўлишга ҳақли».

XV. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №11-12) **775-моддасининг иккинчи қисмидаги** «ҳамда битта банк билан ҳам, шунингдек бир неча банк билан ҳам банк ҳисобварағи шартномалари тузишлари мумкин» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

XVI. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова) **31-моддасининг:**

**биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **20-банд** билан тўлдирилсин:

«20) хусусий тижорат банклари ташкил этилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга, бўшатиб олинган маблағларни моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ва инфраструктурани ривожлантиришга йўналтирган ҳолда»;

**учинчи қисмидаги** «17, 18 ва 19» рақамлари «17-20» рақамлари билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 30 август.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА



# БУХОРО: ИСТИҚЛОЛ ДАРВОЗАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

## 4. Ҳар қадамда обида

Карим Жамолович Камолов. Бухоро шаҳри ҳокими. Тиниб-тинчимас раҳбар. 2500 йилликка тайёргарликнинг барча масаласи унинг бошчилиги ё, камида, иштирокида ҳал қилинади.

Ҳокимнинг хонасида қадим ва навқирон Бухоро руҳи уфуриб турибди. Шкафларда турли ҳунармандчилик буюмлари, кандакори лаълилар. Чеккадаги стол устида тахтда ўтирган соҳибқирон Амир Темур ҳайкали макети...

-- Қайси бир энциклопедияда ўқиган эдимки, Бухоро шаҳрида 140 та меъморий ёдгорлик сақланган, -- дейман.

-- Хато бу, -- дейди у. -- Мутлақо нотўғри. Шаҳарда 500 га яқин обида мавжуд. Йирик-йирикларинигина ҳисобга олишганда. Қадамида бир авлиёнинг қабри учрайдиган кўчалар бор. Ахир, улуғ зотлар мозори устига қурилган мақбаралар ҳам обида-да.

-- Тўйга тайёргарлик жараёнида шулардан нечтаси таъмирланяпти?

-- Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан шаҳардаги энг муҳим иморатларни таъмирлаш учун маблағ ажратилган. Лекин Бухоромизда таъмирланишини кутиб ётган иморат жуда кўп. Айримларини биз ўз кучимиз билан таъмирлашга киришдик. Бунинг учун вилоят ҳокимияти обидаларни туманларга бириктириб қўйди. Бухоронинг 2500 йиллиги фақат шаҳарликларнинг эмас, бутун вилоятнинг, қолаверса, бутун мамлакатнинг тўйи-да. Дарвоқе, тўйга тайёргарлик ишларида бутун Ўзбекистон иштирок этди, деса бўлади. Чунки бу ерда Тошкент, Самарқанд, Қарши шаҳарлари, Навоий ва Жиззах вилоятларидан келган 300 га яқин уста ишлаяпти.

Ҳоким ҳақ.

-- Мен Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуаси, Самарқанддаги Регистон иморатлари ва Бибихоним масжидини таъмирлашда қатнашган эдим. Бу ерда Мир Араб мадрасаси ўймакори эшикларини безашда иштирок этяпман. Қилаётган ишларимиздан ғурурланаман. Чунки ота-бобомиздан қолган меросни келажак авлодларга етказиш улуғ савоб деб биламан, -- дейди Наманганнинг Янгиқўрғон туманидаги Искават қишлоғилик қўли гул уста Мурожон Узоқов.

Тўйни эски иморатларни таъмирлашнинг ўзи билангина кутиб олиш бир томонламалик бўлур эди. Шаҳарда яна 12 янги объект қуриш ҳам кўзда тутилганди. Улар бевосита 2500 йилликка тайёргарлик тизимидаги ишлар сирасида амалга ошди. Уларни бир-бир санашнинг ўзи ҳам янги қурилишлар мазмун-моҳиятидан дарак берса керак: Файзулла Хўжаев майдони, Абдурауф Фитрат хиёбони ва уй-музейи, янги «Бухоро» меҳмонхонаси, Амир Темур хиёбони, соғломлаштириш маркази, кардиология маркази, янги автовокзал, жаҳон андозаларига жавоб берадиган янги халқаро аэропорт...

## 5. Маданият нима ўзи?

Маданият даражасини белгилашнинг кўп мезонлари бор. XVI асрнинг ўрталарида Бухорога келган европалик сайёҳ, тужжор ва дипломат Антоний Женкинсонни шаҳардаги ҳаммомлар лол қолдирган эди ва у: «Улар шундай моҳирона қурилганки, бунга ўхшашлари дунёда йўқ», -- деб ёзган эди.

Бу ҳам маданият белгиси эди.

Бироқ, халқимиз эришган шундай юксак маданият намуналарини кўра-била туриб, 130 йиллик истибдод даврида мустамлакачилар бизни камситди, кўзларимизга тик боқиб, уялмай-нетмай: «Қолоқ халқсан! Сенларга маданиятни биз олиб келдик!» -- деди.

Улар саккиз асрдан буён кўкка бўй чўзиб турган Минори Калонга қарата тўп отиш учун қанчалар маданиятсиз -- ваҳший бўлиш кераклигини ўйлаб ҳам ўтирмадилар...

Бухоролик ака-ука усталар -- Шарифжон ва Зарифжон Раҳимовларни янгидан қад ростлаётган Арк деворлари олдида суҳбатга тортаман:

-- Қизил армия 11 самолёт билан шаҳримизни бўмбалаган. Бундан Арк кўп шикаст кўрган, -- дейди Шарифжон.

-- Бу ҳам етмагандай, Фрунзе аскарлари Когондан туриб тўпга тутган. Шунинг учун Аркнинг шарқий девори бутунлай вайрон бўлган, дейди Зарифжон.

Усталарнинг қўли қўлига тегмайди.

Йўқ. Улар ғишт тераётгани йўқ. Улар Бухоронинг истибдод қолдирган яраларини малҳам билан тузатяптилар...

Бухоронинг тўйи шу оғриқларимизни эслаш, дунёнинг моҳиятини англаш, бугунимизнинг қадрига етиш учун ҳам керак.

Яна бир маданият ҳақида.

Аркнинг жанубий девори шўролар замонида ҳам бир бор таъмирланган эди. Лекин ўшанда «замонавий» меъморлар Бухоронинг эски усталари маслаҳатига қулоқ солмадилар. Ғишт теришда қадимги ора-орасига ёғоч тўсин қўйиб, янги деворни қалъага боғлаб бориш йўлини маъқул кўрмадилар. Оқибат эса аён: кўпга бормай, янги терилган девор қулаб тушди...

Бу гал эски-қадимги Бухороча усуллар ишга солинди. Деворнинг ҳар ер -- ҳар ерига ёғоч қўйилиб, улар қалъа тупроғига қозиқлардек қоқилди-да, ғишт орасида қолдирилди.

Дастлаб фақат жанубий деворни таъмирлаш кўзда тутилган эди. Кейин эса шарқий девор ҳам тиклана бошлади.

Пишиқ ғиштдан қад ростлаётган Арк деворларининг баландлиги 12, қалинлиги 6 метр.

Масжиди Калонни таъмирлаётганда 400 -- 500 одам кеча-кундуз ишлади. Бу халқнинг буюк кўтарилишлари даврларини эслатмайдими? Бухородаги бу кўркам иморатларнинг бари ана шундай улкан ҳашарлар йўли билан бунёд этилган. Бу таъмирлашлар ўша ота-боболаримизнинг шаҳарсозлик жасоратларини ёдга солмайдими? Буни дунё кўрмаяпти, кузатмаяпти, дейсизми? Сайёҳлар қўлларидаги фотоаппарату видеокамералар тинмайди. Майли, марҳамат, улар бизнинг нималарга лаёқатли эканимизни кўрсин, юртига бориб, бошқаларга ҳам кўрсатсин. Бу бизнинг фойдамизга. Улар бугун ўзбеклар қандай халқ эканини билсин.

## 6. Биз нимани кўз-кўз қиламиз?

Москвага борган кишилар Кремль ҳовлисидаги «Шоҳ тўп» билан «Шоҳ қўнғироқ»ни кўрган, албатта. Экскурсоводлар уларни сайёҳларга фахр билан тушунтирадилар. Бу билан чор подшоҳлари дунёга: «Биз шундай ҳарбий қудратта эга халқмиз», -- дея иддао қилганлар. Чунки ўша пайтларда жаҳондаги энг катта тўп шу ва урушга чорловчи энг йирик қўнғироқ шу эди.

Бухоро эса ўзининг Минори Калонию Масжиди Калони билан ўзини оламга кўз-кўз қилган. «Калон» сўзи «катта» деган маънони англатади. Халқ намозга чорлаш -- азон айтиш учун 45--46 метрлик минора бунёд этган. Шу Минори Калон қибласига Масжиди Калон солинган. У дунёнинг энг йирик масжидларидан бири. Унда бир йўла 15--20 минг киши намоз ўқий олади.

Бу нимадан далолат беради?

Бу халқимиз азал-азалдан ўзининг маънавияти устунлигини кўз-кўз қилиб келганлигини кўрсатади.

## 7. Эътироф

Истиқлол шарофати туфайлигина Бухоройи шариф ЮНЕСКО қарори билан жаҳон маданий мероси бўлган шаҳарлар рўйхатига киритилди. 1996 йилнинг 21--22 феврали кунлари Бухорода бўлиб ўтган «Ипак йўлини тиклаш: Ўзбекистонда маърифий туризмни ривожлантириш ва маданий меросни эъзозлаш» мавзуидаги халқаро конференцияда ЮНЕСКО Бош директори муовини Томас Киллер жаноблари бу баобрў халқаро ташкилот қарорини эълон қилиб, бухороликларга бу ҳақдаги Ёрлиқни топширган маҳалдаги юртдошларимиз қувончу ҳаяжонини тасаввур этиш мумкин.

Бу юрт ўз қўлимизда эканини яна бир карра тасдиқловчи васиқадек эди.

## 8. Мақсадлар

2500 йилликни ўтказишдан кўзланган мақсадлар аниқ. Одамларимиз кўрсинлар, билсинларки, биз қандай кишиларнинг фарзандларимиз. Ватандошларимизнинг ҳар бири кўнглида яшаб турганимиз, бизни боқиб келаётган она замин нурли ўтмишига, аждодларимиз руҳига эҳтиром туйғуси кучайсин.

Бу, биласизми, нимага олиб боради?

Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси -- етти ёшидан етмиш яшаригача ўзини шу юртнинг ҳар бир гиёҳига, тошу тупроғига «ўзимники» деб қарайдиган бўлади. Истибдод йиллари онгимиздан ана шу туйғуни сидириб ташламоқчи бўлдилар. Биз бефарқ бўлиб қолаёзган эдик. Бухорога ўхшаш беқиёс бойликларимиз гўё бизники эмасдек эди. «Ахир, масжиддек муқаддас даргоҳга ҳам от бойлайсанми?» -- деб айтишга ҳаддимиз йўқ эди...

Бухорони дунё ўрганяпти. Шундай бўлиши ҳам керак. Чунки Бухоро -- жаҳон тамаддунининг ноёб бир бойлиги. Лекин бугун биз -- ўзбекистонликлар дунёнинг бирор-бир бухорошуносидан ўз тарихимизни билишда уялиб қолмаслигимиз шарт.

Бухоронинг тўйи бизга: «Бухоро -- бизники! Уни ота-боболаримиз бунёд этган!» -- деган ғурурни кучайтиришга хизмат қилади. Бу эса: «Бухорони ҳаммадан кўра биз яхшироқ билишимиз зарур», -- деган хулосани мустаҳкамлайди. Чунки у -- бизники. Энди унга ҳеч ким дахл қила олмайди!

Ўзликни англаш -- баландпарвоз шиор эмас. Унга ана шундай амалий ҳаракатлар билан эришилади.

Бухорода қилинаётган бу эзгу ишлар замирида шундай улуғ мақсадлар ҳам ётади.

Бу яна шуни ҳам исботлайдики, Бухородек мўъжиза шаҳар бунёд этган халқ бундан буён ҳам дунёга ҳали нималарга қодир эканлигини кўрсатаверади.

Бухорони билиш учун уни зиёрат қилиш керак. Ҳозир саккиз йўналиш -- Қарши дарвозаси -- Гавкушон, Тоқи телпакфурушон -- Шаҳристон, Арк мажмуаси -- Қўш мадраса, Баланд масжид, -- Қоракўл дарвозаси, Намозгоҳ -- Файзулла Хўжаев уй-музейи, Ситораи Моҳи Хосса, Чорбакр, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи бўйича саёҳат дастури тузилган. Бунга катта тайёргарлик кўрилди. Бу сайёҳлик маршрутлари тўй тантаналаридан кейин ҳам доимий давом этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Бухоро сайёҳлик учун очиқ шаҳар деб эълон қилинган.

Ҳали кўрасиз, Бухорога хориждан сайёҳлар оқиб кела бошлайди. Мана, икки йилдирки, сайёҳлар сони ошиб боряпти. Сайёҳлик ҳали мамлакатимизга кўп фойда келтирадиган соҳалардан бирига айланади. Ҳозирги ҳисоб-китобларга қараганда, 2000 йилга бориб Бухорога келадиган чет эл сайёҳлари сони 100 минг кишидан ошади.

## 9. Истиқлол дарвозалари

Бухоро азалдан ўзининг бетакрор дарвозалари билан машҳур. Жалол Икромий «Бухоронинг ўн икки дарвозаси» деган роман ҳам битган.

Илмда бир пайтлар Бухоро шаҳрини ўраб олган деворлар қолдиқларига Ўзбекистон мудофаа меъморлигининг ноёб обидаси деб қаралади. Дастлаб эрамизнинг VIII асрида бунёд этилган бу қалъа бир неча бор бузилган, неча карра яна қайтадан тикланган. IX аср ўрталари, XII аср бошлари ва иккинчи ярми, XIII аср бошлари ва ўрталари, XVI аср ўрталари ва иккинчи ярмида деворни янгилаш ишлари амалга оширилган.

Фанда Бухоронинг ўн бир дарвозаси номи тикланган. Бештаси ҳозиргача ҳам мавжуд даҳаларда жойлашган эди. Шайх Жалол масжиди томондаги дарвоза шу кунгача ҳам сақланиб қолган.

Биринчидан шуки, шаҳар -- пойтахт бўлган, уни ҳарбий жиҳатдан мудофаа қилишнинг аҳамияти катта эди. Иккинчидан, Бухоро дунёнинг энг бойлиги кўп шаҳарларидан бири эди. Бу ҳам ҳимоя талаб қилар эди. Учинчидан, «Шаҳар бедарвоза эмас», деган мақол, эҳтимол, ана шу Бухорога ўхшаб ўраб олинган шаҳарларни кўзда тутиб яратилган бўлса ҳам, ажаб эмас. Чунки шаҳарга келадиган ҳар бир карвон кузатилган, ҳисобда турган, улардан бож олинган.

Бухоро дарвозаларининг машҳурлиги ҳақида сўз очганда биз фақат ана шу шаҳар қалъаси дарвозаларини кўзда тутаётганимиз йўқ. Умуман, Бухоро шаҳрида, ҳатто, унинг атроф қишлоқларидаги ҳовлиларда ҳам ўзига хос безакли дарвозалар жуда кўп.

Айтайлик, Фарғона водийси тарафларда ҳовлини «эшик» дейиш бор. Чунки кўп ҳовлиларга дарвозадан эмас, чиндан ҳам, эшикдан кирилади. Бухоро ҳовлиларини эса дарвоза ва дарвозахонасиз тасаввур қилиш қийин.

2500 йилликка тайёргарлик жараёнида Бухорода икки янги дарвоза қурилди. Бири Тошкент -- Бухоро, иккинчиси Чоржўй -- Бухоро магистрали орқали шаҳарга кириб келаверишда бунёд этилди.

Булар шунчаки дарвозалар эмас. Бу дарвозалар мажмуида сайёҳларнинг дам олиши, ювиниши, овқатланиши, мириқиб чой ичиши, ул-бул нарсаларни сотиб олиши, шаҳар ва унинг атрофини баланддан томоша қилиши учун қулай шароитлар яратилган.

Шаҳарнинг шимолий дарвозаси ҳам, ғарбий дарвозаси ҳам рамзан Бухоро бугун яна қайтадан дунёга юз тутаётгани, янги Буюк ипак йўли халқасига қўшилаётгани, жаҳонни саёҳат, ҳамкорлик, тижоратга чорлаётганини билдиради.

Шуни унутмайликки, Бухоронинг янги дарвозалари ўрта асрлардаги жами дарвозаларига нисбатан гўзал, бежирим, баланд, муҳташам ва бақувват. Шубҳасиз, улар ҳар бир йўловчига Ўзбекистонимизнинг бугунги виқорию порлоқ келажагини кўз-кўз қилиб тургандек тасаввур уйғотади.

Уларни, ҳақли равишда, «Истиқлол дарвозалари» деса бўлади.

Илоҳо, бу дарвозалардан энди ҳеч ким ёмон ният билан ўтмасин!

**Султонмурод ОЛИМ.**
**Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

ЯНГИЛИК!!!

ОКТЯБРЬ ойида рўйхатдан ўтган мижозлар учун!

Қайта қўнғироқ қилиш чекланиши ТЕКИН.

~~250~~ минут эди,

500 МИНУТ БЎЛДИ

БРИЛЛИАНТ пакет учун ТЕКИН.

Buztel GSM

Иш вақтида халқаро қўнғироқ учун нархлар

10%га арзонлаштирилди




Buztel GSM

ТЕЛ.: 132 06 49, 821050059; 821050057.

СИЗНИНГ ТЕЗКОР ҲАМКОРИНГИЗ!

Тошкент шаҳридаги дилерларимиз манзиллари:

"ДЕМИР" корхонаси менежери ЕНВЕР ИШИК.
Правда Востока кўчаси, 26.
Тел.: (3712) 1330600, 56-13-61, 1338148.
Факс: (3712) 560333, 406537.

АРЗ ТЕКСТИЛЬ ДИШ ТИДЖАРЕТ А.Ш.
Президенти Абдуллах Озтоп,
ДП "АРЗ ТЕКСТИЛЬ"
Олмазор, 6/7, "Халқлар дўстлиги" метроси.
Тел: (3712) 458741, 458740 (факс).

ООО "НУРОН ЛТД."
Бош директори Цой Л.П.
Буюк Ипак Йўли, 42.
Тел.: (3712) 678587, 677916.
Факс: 672450.

"КОМЭК"
Бош директори ПАК Ю.А.
В. Малясов кўчаси, 3.
Тел.: 353136, 340958.
Факс: 355241.

АНИПРА ИМПЕКС ЛТД
директори Доктор Анил Кумар,
Сайфи Олим кўчаси, (собиқ Полевая) 10, "Анипра Бизнес Маркази".
Тел.: 500194, 500195, 500196, 406596, 406597, 549961
Факс: (3712) 406793.
e-mail: tashkent@ anipra.com.uz

ЎЗБЕКИСТОН ДИЗАЙН ФОНДИ,
Бош директори В. Ф. Мусихин,
Х. Олимжан метроси, Пушкин кўчаси, 59.
Тел.: 136-77-77,
Факс: (3712) 68-56-42.



**• 18 ОКТЯБРЬ — САМАРҚАНД ШАҲРИ КУНИ**

# БУ КУН ҚУТЛУҒ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

**С**амарқанд — соғинчлар гўшаси.
**А**рдоқланадиган жой.
**М**арҳаматингни дариғ тутмайдиган макон.
**А**зиз зотларнинг номига, ишига садоқатлилар яшайдиган юрт.
**Р**ақамларга сиғмас яхши ишларнинг бошланажак нуқтаси.
**Қ**анот боғлаган ташаббуслар, янгиликлар туғиладиган маскан.
**А**на, ҳар бир байрамдан эсдалик бўлиб қоладиган бинолар макони.
**Н**омингни эшитганда титраб кетадиган, номингга сиғиниб юрганлар қанча.
**Д**овруғинг бундан-да донғи кетишига ишонадиган юртим.

Хуллас, яна бир байрам «туғилди». Унинг номини «Самарқанд шаҳри куни» деб аташди. Илк бор нишонланадиган байрам шаҳарликлар ва бу ерга ташриф буюрадиган меҳмонлар учун ўз тадбирлари, маросимлари, мусобақалари ва яна қанча-қанча... кутилмаган «совға»лари билан унутилмас бўлиб қолади. «Байрам байрамдек ўтсин-да».

Шунга яраша тайёргарлик ҳам кўрилди. Самарқанд телевидениеси (СТВ) орқали бу кунга аталган кичик сюжетлар бериб борилмоқда. Ана шу қисқа муддатли эслатмада бу юртнинг суюкли ва ардоқли қизи Насиба Абдуллаеванинг Самарқанд ҳақидаги қўшиғи такрорланмоқда. Бу қўшиқ тингловчиларга фахр, ғурур, «меники» деган туйғуларни сингдириши табиий.

Шаҳардаги «Маърифат чойхонаси»да бир йиғин бўлади-ей... Бахти бекамларни, оиласининг тўкислигига, ҳаваслилигига тавоб қиламан деганлар, келаверинглар. Шунинг учун-да, бу йиғинни «Бахти баркамол инсонлар» деб номладилар. Номланишнинг ўзида барча тафсифу таърифлар мужассам.

Тасаввур қилинг -- Регистоннинг мўъжизакор бағрида моҳир уста ҳунармандлар, сартарошлар, новвой-у, ошпазларнинг кўриги бўлишини. Руҳобод мажмуаси олдида эса чеварлар тўпланишади. Халқ амалий ҳунармандчилиги ва тасвирий санъат буюмларининг кўргазмаси уюштирилади. Ана шундай кўргазмаларни томоша қилганда уларга таъриф беришга ожиз қоласиз. Инсон қўллари нималарга қодир, нималарни яратмайди, дейсиз.

Энди бир зумгина қулоқ солсангиз, бу байрамнинг пайдо бўлиш сабабини айтиб берардим. Ўтган йилнинг худди шу кунида -- Самарқанд шаҳрига Амир Темур орденини топшириш тантанасида Президентимиз бир таклиф айтган эдилар. «Бу кун самарқандликлар учун унутилмас бўлиб қолади. Балки ушбу кунни Самарқанд шаҳри куни деб белгиларсизлар...» Таклиф ўша ернинг ўзидаёқ маъқулланганди. Ахир байрамларнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлади-да.

Орадан бир йил ўтди. Шаҳар қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Амир Темур хиёбони ҳамманинг дам оладиган, азиз меҳмонлар келганда бир айлантириб келадиган қадамжосига айланди. Келин-куёвлар ҳайкал пойига гул қўйиб эҳтиром билдиришни одатга айлантиришган. Бирам чиройли кўринади ана шундай лаҳзалар.

Байрамларда кўнгли ярим, мурувватга эҳтиёжманд инсонларнинг ҳолидан хабар олинади. Бу гал ҳам ўша анъана унутилмайди. Оталиқ ташкилотлар бунга алоҳида тайёргарлик кўришди.

Вилоятнинг пахта тайёрлаш режасини уддалашда ҳар бир кишининг ўз улуши бўлиши таъминланмоқда. Шаҳардан борган ҳашарчиларга ўша куни алоҳида концерт дастурлари намойиш этилади. Фарҳод қўрғонидаги сигарет фабрикаси, «Самарқанд--Сингапур--Нарзия» қўшма корхоналари очилади. Асосийси, байрам тантаналарини вилоятнинг ҳар бир фуқароси кўриш бахтига муяссар бўлади. Самарқанд телевидениеси ижодкорлари «Таъзим сенга, Она Самарқанд» узлуксиз телемарофонини ташкил этишади.



Бўлди-да, бир байрамга шунчаликми, деманг. Ахир байрам байрамдек ўтсин-да. Яна бу байрам биринчи маротаба нишонланаётган бўлса. Қолаверса, инсонларнинг бу юртда қандай яшаётганини байрамда иштирок этганлар кўриб баҳо бераверишсин. Оилада гўдак туғилса, унга ном бериш маросими ўтказилади. Кейинроқ бешиктўйи қилинади. Байрам ўз номи билан «туғилди». Лекин самарқандликлар бу байрамнинг олдида «бешиктўйи» қарздори эдилар: ўша тўйни байрам куни аниқ бўлгандан кейин қиламиз деб юришарди. Маҳаллаларда тайёргарлик бошланиб кетган. Учрашувлар ҳам. Хуллас, самарқандликлар яна бир тўйни бошлашди.

Бу кун кутлуғ бўлиб қолади.

**Гули ЧЕҲРА,**
**«Халқ сўзи» мухбири**





Савдо кўргазма —
Сизнинг мижозларингиз билан учрашиш учун!

28-31 октябрь 1997 й.
Ўзэкспомарказ, Тошкент

Construct Central Asia 97

97 in House

**Мутахассислар билан учрашиш имкониятини қўлдан бой берманг!**

Жаҳон пешқадамлари ўзининг янги технологияларини ва маҳсулотларини намойиш этадилар.

Марказий Осиёда 1-марта бўлиб ўтадиган
Қурилиш индустрияси ва материаллари,
маиший техника, уй учун ички жиҳозлар ва махсулотлар
Халқаро Кўргазмасига ташриф буюринг.

**Иш вақти**
**с. 10.¨ -18.¨ .**

"Fairtrade"нинг Тошкентдаги офиси
700084, Тошкент ш.,
А. Темур кўчаси, 107, № 3 пав.
Тел.: (3712) 34-54-95.
Факс: (3712) 34-44-60.

fairtrade Messe und Ausstellungs GmbH

Republican Trade and Exhibition Centre UZEXPOCENTRE
107, А. Темур кўчаси,
700084, Тошкент ш., Ўзбекистон.
Тел.: (3712) 34-45-45. Факс: (3712) 35-83-30.

146







# Радиотелефон
## SP-R916 900MHz

**Кенгайиши - 4 та трубкагача. Интерком. 12 разрядли ЖК дисплей. Фойдаланиладиган каналларнинг диапазони кенг. Рақамли пароль. Таъминот батареясининг ҳолати индикацияланади. Кириш белгилари қопқоқни очмай қабул қилинади. Хотираси 21 рақамигача. Товушлар танлаб қайта узатилади. Охирги номер такрорланади. Кенгайиш трубкалари автомат усулда номерланади. Таъминот батареяси қуввати тугаётганидан огоҳлантиради. Сигнал етиб бора оладиган зонадан ташқарига ўтилганлиги ҳақида огоҳлантиради. База блоки конструкцияли - деворга осилади, столга қўйилади.**

## Фирма дўконлари

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ТОУ Ко. Лтд. | *Тошкент* | Амир Темур кўчаси, 110 | (3712) | 34-02-58 |
| | | | | 35-09-86 |
| Кафолат Файз | *Тошкент* | Эскижўва кўчаси, "Чорсу" бозори | (3712) | 42-29-89 |
| Кафолат Файз | *Тошкент* | Қодирий кўчаси, 1, "Турон" меҳмон. | (3712) | 41-46-38 |
| Отахон | *Фарғона* | Ал-Фарғоний кўчаси, 20 | (3732) | 24-78-76 |
| Наврўз | *Андижон* | Мустақиллик кўчаси, 14 | (37422) | 43-8-60 |

Technology that works for life
SAMSUNG ELECTRONICS

Шартнома асосида етказиб бериш масаласи бўйича мурожаат этинг:
"Самсунг Электроникс Ко." Алмати офис:
Алмати, Орбита-3, 52"А"-уй.
Тел.: (3272) 20-55-36, 20-39-47, 20-63-05.
Факс: 20-12-38.



SAMSUNG

«ПГС» ФИРМАСИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ
КИЧИК НОВВОЙХОНАЛАР (4 ХИЛДАГИ),
САУНА учун УСКУНАЛАР,
саноат ЭЛЕКТРОПЛИТАЛАРИ,
ГРИЛЬ, ХОТ-ДОГ учун МОСЛАМАЛАР.
Тел.: (3712) 79-14-29,79-38-54. "С. Рахимов"метро бекати.
143 uz B


Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги жамоаси Ўзбекистон энергетиклар касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси Н. Эркиновга отаси
**Эркин БЎРИБОЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси иқтисодий кибернетика кафедрасининг доценти А. Исломовга онаси
**Ёдгор ая АЗИЗОВАнинг**
вафоти билан чуқур таъзия изҳор этади.


ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 133-57-34;*
*Халқаро ҳаёт 132-11-15*
*Хатлар 136-29-89; 136-55-39;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-37-85;*
*Иқтисодиёт 136-36-65, 136-07-94;*
*Маънавият 136-35-60; 132-10-65;*
*Тунги муҳаррирят 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0670, 34.126 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
**Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Навбатчи муҳаррир — Й. Исмоилов.
Навбатчи — Қ. Норқобил.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Бободўстов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 21.30
1 2 3 4 5 6